

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ СОҒЛИҚНИ СОҒЛИК
ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

**1-ТИП ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА
ЎТКИР ЎРТА ОТИТНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК КЕЧИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

(монография)

Бухоро – 2026 йил

Муаллифлар:

Қурбонов Мирвоҳид Камолович 2-сон педиатрия кафедраси ассистенти
Бухоро давлат тиббиёт институти

Такризчилар:

1. Ачилова Д.Н. -Бухоро давлат тиббиёт институти 2-сон педиатрия кафедраси мудири, тиббиёт фанлар доктори, профессори, DSc
2. Воҳидов У. Н. -Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази илмий ишлар бўйича директор ўринбосари т.ф.д., доцент

МУНДАРИЖА

Кириш.....	6
I боб. Болаларда ўткир йирингли ўрта отитнинг тарқалиши, клиник кечиши, даволаш ва профилактикасининг замонавий қарашлари (адабиётлар шарҳи).....	11
§ 1.1. Болаларда ўткир йирингли ўрта отитнинг тарқалиши, клиник кечиши, даволаш ва профилактикаси.....	11
§ 1.2. Ўткир йирингли ўрта отит касаллигида иммун тизими ҳолати ва иммунологик ўзгаришлар.....	17
§ 1.3. Ўткир йирингли ўрта отитнинг клиник кечиши, даволаш ҳамда профилактикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	24
§ 1.4. Болаларда қанли диабет ва унинг болаларда ўткир ўрта отитнинг ривожланишидаги роли.....	37
II Боб. Қандли диабет фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан зарарланган бемор болаларда касалликнинг клиник ва патогенетик тузилиши бўйича клиник тавсифи ва тадқиқотнинг усуллари тадқиқот ҳажми ва дизайни.....	43
§ 2.1. Текширилган бемор болаларнинг клиник тавсифи.....	43
§ 2.2. Тадқиқот усуллари.....	49
§ 2.3. Болаларда лаборатория қон таҳлиллари.....	51
III Боб. Қандли диабет 1-тури фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отитнинг клиник ва лаборатор хусусиятлари.....	55
§ 3.1. Қандли диабет 1-тури фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отитнинг клиник хусусиятлари.....	57

§ 3.2. Қандли диабет фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отитнинг лаборатор ва инструментал кўрсаткичлари.....	64
Хулоса	68
Амалий тавсиялар	69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	70

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

ВБКТТМ	—	Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази
ИЛ-4	—	Интерлейкин-4
ИРИ	—	Иммунорегулятор индекс
ҚД	—	Қандли диабет
ОИВ	—	Орттирилган иммунотанқислик вируси
C ₁₂₈	—	Камертон 128
C ₂₀₄₈	—	Камертон 2048
СТ	—	Сурункали тонзиллит
ЎЙЎО	—	Ўткир йирингли ўрта отит
ЎЎО	—	Ўткир ўрта отит
ХДФ	—	Халқаро диабет Федерацияси
CD16	—	Табиий киллерлар
CD20+/-	—	В-лимфоцитлар
CD3+	—	Т-лимфоцитлар
CD4+	—	Т-хелперлар
CD8+	—	Цитотоксик лимфоцитлар
IFN-γ	—	Интерферон гамма
IgАм	—	Иммуноглобулин А
IgG	—	Иммуноглобулин G
IgM	—	Иммуноглобулин М
S IgA	—	Секретор IgA

КИРИШ

Монография мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болаларда қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитларни ташхислаш ва даволаш оториноларингологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, барча мутахассисларнинг диққат марказини эгалламоқда. Жаҳон илмининг ютуқларига қарамай, болаларда ушбу патологияни даволаш ва олдини олиш замонавий тиббиётнинг ҳал қилинмаган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қандли диабет (ҚД) дунёдаги энг кенг тарқалган сурункали касалликлардан бири бўлиб, бизнинг давримизнинг энг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммоси сифатида тан олинган. “Халқаро диабет Федерацияси (ХДФ) маълумотларига кўра, 2019 йилда диабет билан оғриганлар сони 463 миллионга ошган. IDF маълумотларига кўра, 2045 йилга келиб ҚД касаллиги билан касалланиш сони 630 миллиондан ошиши мумкин.”¹ Қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитнинг клиник кўринишини сезиларли даражада ўзгартириб, касалликнинг кечишини оғирлаштиради ва бунга параллел равишда касалликнинг ноқулай оқибатига олиб келадиган отоген менингоэнцефалитик асоратларни ривожланиш хавфини орттиради.

Жаҳон миқёсида болаларда қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитларни ривожланишидаги индивидуал фарқларнинг яъни унинг клиник кечишлари, иммунологик асослари ва ушбу касалликнинг патогенезида цитокинларнинг аҳамияти, ҳимоя реакциясининг шаклланиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иммунокомпетент ҳужайралар, хусусан В-лимфоцитларга инфекциянинг ўзига хос таъсири, унинг иммуносупрессияни қўзғатиши ва қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитлар билан касаллангандан кейин бола организмда узок вақт сақланиб туриши, ҳужайраларнинг функционал хусусиятларини ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди. Шу мунособат билан лейкоцитлар айниқса, лимфоцитларнинг цитокимёвий кўрсаткичлари, инфекцион

¹ Касаткина Э.П. Сахарный диабет у детей и подростков. // М.- Медицина.- 2016.- С. 157-181

жараённинг фаоллиги, оғирлик даражаси ва оқибати учун сезгир мезон эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Т- ва В-лимфоцитларнинг фаоллигини аниқлаш, қонда цитокин ҳолатини баҳолаш билан хужайравий рецепторларнинг (CD4+-, CD8+-, CD16+-, CD38+-, CD95+-, CD25+-) болаларда ўткир отит касаллигида ифодаланиши эрта ёшдаги болаларда ўтказилмаган.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, болалардаги соматик касалликлар, хусусан қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитларни даволаш ва профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4 - қисм 56 - мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни бажариш болаларда гименолепидоз касаллигини камайтириш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалланиш кўрсаткичлари ва унинг асоратларини камайтириш имконини берган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қандли диабет (ҚД) дунёдаги энг кенг тарқалган сурункали касалликлардан бири бўлиб, бизнинг давримизнинг энг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммоси сифатида тан олинган. Халқаро диабет Федерацияси (ХДФ) маълумотларига кўра, 2019 йилда диабет билан оғриганлар сони 463 миллионга ошган (Edwards K. et.al., 2012).

Шу IDF маълумотларига кўра, 2045 йилга келиб ҚД касаллиги билан касалланиш сони 630 миллиондан ошиши мумкин. Дунё бўйлаб ўлим сабаблари орасида диабет 7-ўринда туради деб тахмин қилинади. Маълумки, диабет кўплаб органлар ва тизимларга таъсир қилади ва шунга мос равишда боланинг ўсиши ва ривожланишига таъсир қилади (Fong D. S. et.al., 2012).

Дунёда жисмоний ривожланиш асосан даволаниш туфайли метаболик жараёнларнинг нормаллашув даражаси билан белгиланади ва фақат ҳаддан ташқари сурункали декомпенсация босқичли қандли диабетга чалинган болалар ва ўсмирларнинг ўсиш суръатларини секинлаштириши мумкин деб ҳисоблашади. Болалардаги 1 - тур қандли диабетнинг ривожланиши ва прогнозига таъсир қилувчи кўплаб патогенетик омиллар орасида метаболизмнинг ҳар хил турларининг бузилиши, шу жумладан ўсаётган организмнинг макро ва микроэлемент таркибидаги ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга. Соғлом ва қандли диабет билан оғриган болаларда ЛОР-аъзоларидаги патологик ўзгаришларни ўрганиш ва чуқур тадқиқотлар ўтказиш, касалликнинг турли клиник кўринишларининг патогенези ва диагностика ва янги усуллардан фойдаланиш тушунчаларини кенгайтириш

учун янги ёндашув ва даволаш алоҳида аҳамиятга эга. Қандли диабет (ҚД) дунёдаги энг кенг тарқалган сурункали касалликлардан бири бўлиб, бизнинг давримизнинг энг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммоси сифатида тан олинган. 2019 йил бошида, Россия Федерацияси (РФ) диабетининг Давлат реестрига кўра, ҚД билан оғриган беморлар сони 4,584 миллионни ташкил этди, шундан 256202 нафар инсон ҚД- 1-типи билан касалланган ва 4238 миллион нафар инсон ҚД 2-типи билан зарарланган. Ушбу маълумотларни 2010 йил кўрсаткичлари билан таққослаганда, 2010 йилда ҚД билан рўйхатдан ўтган беморлар сони 3,163 миллион кишини ташкил этди (Антипкин Ю.Г.ва ҳаммуал., 2018).

Қиёсий статистика ушбу касаллик частотасининг барқарор ва тез ривожланиш тенденциясини кўрсатади. Эндокринологик тадқиқот маркази томонидан тақдим этилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, қандли диабетнинг ҳақиқий тарқалиши Россия Федерацияси аҳолисининг 7% дан ортиғини ташкил қилади (9-10 миллион киши) (Алиханова Н.М. ва ҳаммуал., 2001).

1-тип ҚД болаларда энг кенг тарқалган эндокрин патология ҳисобланади. Ўткир асоратлар, оғир сурункали асоратлар, ёшлигида эрта ўлим қандли диабетни тиббиётнинг энг муҳим муаммолари билан бир қаторга қўяди ва соғлиқни сақлаш органларининг диққатини талаб қилади. Дунёда юқоридаги вазифаларни ҳал қилиш реестрини яратиш асосида амалга оширилади. Қандли диабетнинг миллий реестрини (ҚД) яратиш мамлакатда касалланишни объектив назорат қилиш, эндокринологик хизмат учун маълумот доирасини кенгайтириш, диабетнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси стратегиясини ва эпидемиологик тадқиқотларнинг асосий йўналишларини аниқлаш, тиббий ва беморларга профилактик ёрдамни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради(Айходжаева М.А. ва ҳаммуал., 2017).

Дунёнинг турли мамлакатларида ҚД билан касалланиш ва тарқалиш даражаси сезиларли даражада фарқ қилади. 1-тип ҚД билан касалланиш

маълум бир этник гуруҳга мансублигига, мамлакатнинг географик жойлашувига, иқлим шароитига, атроф-муҳит омилларига қараб сезиларли даражада фарқ қилади. Сўнгги йилларда турли мамлакатларда ўтказилган эпидемиологик тадқиқотларнинг 10 йиллик натижалари болалар орасида 1-тип қандли диабет билан касалланишнинг ривожланишини кўрсатади, айниқса 5 ёшгача бўлган болаларда (Ахмедова Ш.У. ва ҳаммуал., 2015).

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари ўртасида соматик касалликларни эрта аниқлаш ва асоратларни камайтириш, болалар ўртасида соғлом муҳит яратиш, қандли диабет натижасида ўрта кулоқ касалликлари тарқалишининг олдини олиш ва олдини олиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу вазифаларни бажариш учун ушбу диссертация тадқиқотлари аҳолининг турли қатламлари аёлларининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, профилактика чораларини ишлаб чиқишда замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради. Болаларда қандли диабет 1-типининг клиник кўринишларининг ёшга боғлиқ ҳолда кечишида иммун тизимининг даво чоралари ва эрта реабилитация усулларининг етишмаслиги ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ҳақида далолат беради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, болаларда қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитларни ўз вақтида ташхислаш, оптимал даволаш схемасини ишлаб чиқиш ва асослаш, амалий соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб деган хулосага келинган.

I БОБ. БОЛАЛАРДА ЎТКИР ЙИРИНГЛИ ЎРТА ОТИТНИНГ ТАРҚАЛИШИ, КЛИНИК КЕЧИШИ, ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАРИ (АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ)

§ 1.1. Болаларда ўткир йирингли ўрта отитнинг тарқалиши, клиник кечиши, даволаш ва профилактикаси

Болаларда ўрта кулоқнинг ўткир яллиғланиши касалликлари ЛОР-аъзоларининг энг кенг тарқалган патологияси бўлиб, кулоқ касалликларининг умумий сонининг 25-30 % ни ташкил қилади ва юқори нафас йўллариининг бактериял ва вирусли инфекцияларининг асоратлари сифатида юзага келади. Шу билан бирга, турли ёш гуруҳларида бу фоиз кескин фарқ қилади. Шундай қилиб, касалхоналарнинг статистик маълумотларига кўра, оториноларингологик болалар бўлимларига ётқизилганлар орасида ўткир ўрта отит билан касалланганлар 15-25% ни ташкил этади [1; 20-б, 16; 13-18-б].

Бироқ, бу касаллик кўпинча чақалоқларда (41,1-42,2%) ва болалар боғча ёшидагиларга (30%) учрайди [8;23б.,23;2016]. Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, болалар кўпинча 3-5 ойликгача ўрта кулоқнинг ўткир яллиғланиш касалликларига мойил бўлиб - 52-54, 8%ни ташкил этади. Шунини таъкидлаш лозимки, ўткир ўрто отит янги туғилган чақалоқлар орасида кенг тарқалган эмас (1 ойгача) – 3-5% ни ташкил этади [8; 23-б, 27; 93-95-б].

Умуман олганда, 3 ёшгача бўлган болалар орасида ўткир ўрта отит барча болаларнинг камида 71-75% ни ташкил қилади. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу ёш гуруҳидаги ўткир ўрта отитнинг учраш даражаси, бу болаларга хос бўлган тананинг кўплаб анатомик, физиологик ва патоморфологик маҳаллий умумий хусусиятлари билан изоҳланиши мумкин. Ёш болаларда бу патология турли йўллар билан ва кўп ҳолларда умумий ҳолатнинг бузилиши ва бошқа органлар томонидан ўзгаришлар билан давом этади, бунинг натижасида ўрта кулоқдаги асосий ўчоқни ташхислаш қийинчилик туғдириши мумкин [14; 74-76-б, 50; 50-60-б].

Янги туғилган чақалоқларда ва кўкрак ёшидаги болаларда ўткир ўрта отит (ЎЎО) пайдо бўлишида микробли ва бошқа омилларнинг роли катта

аҳамиятга эга бўлишига қарамай, макроорганизм ҳолати, унинг умумий иммунологик реактивлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Юқумли касалликларга чалинган болаларнинг иммунитет ҳолатини ўрганиш, шубҳасиз, катта назарий ва амалий қизиқиш уйғотади. Туғилган вақтга келиб, бола ўзига хос ва ўзига хос бўлмаган ҳимоя омиллари тўпламига эга бўлади[20; 67-68-б, 51; 24-30-б].

Болаларда иммун тизимининг етуқлиги жуда кенг индивидуал вақт оралиғига эга. Бола ҳаётининг биринчи йилидаги иммуноглобулинлар таркибининг динамикаси аниқ далиллар билан тавсифланади, уларнинг даражаси катталарга нисбатан атиги 35-38% ни ташкил қилади. Шу билан бирга, иммуноглобулинларнинг индивидуал синфларининг нисбати бузилиши, шунингдек уларнинг сифат таркибидаги турли даражадаги ўзгаришлар мавжуд. Боланинг иммунологик ҳолатидаги ўзгаришлар ЎЎО клиник кўринишига сезиларли таъсир қилади [17; 33-34-б, 52; 47-55-б].

Россиялик олимларнинг кузатувлари бўйича ЎЎО билан касалланган ёш болаларда албуминлар миқдорининг сезиларли даражада ошиши ва глобулинлар даражасининг пасайиши, асосан, α -фракция ҳисобига қайд этилган. Тадқиқотчилар, ЎЎО билан оғриган чақалоқларда IgM нинг пасайиши билан IgG ва IgA нинг периферик қонда ўсишини аниқладилар. Ўткир йирингли ўрта отитда лактат дегидрогеназа ва лизоцим миқдорининг ошиши ҳамда лизоцим таркибининг яллиғланиш жараёнининг оғирлигига боғлиқлигини аниқлаганлар [24; 37-38-б, 53; 39-45-б].

ЎЎОнинг ривожланишига ўрта қулоқдаги маҳаллий иммунитет реакциясининг шаклланишига боғлиқ. Чет эллик олимлар тадқиқоти ўрта қулоқнинг ўзига хос иммунитет ҳимоя тизимига эга эканлигини кўрсатди. Ўрта қулоқнинг шиллиқ қаватида секретор компонент (Sc) борлиги исботланган [54; 32-34-б, 118; 437-440-б].

Янги туғилган чақалоқдаги ноғора бўшлиғининг деворлари нисбатан кам миқдордаги IgA ишлаб чиқарадиган махсус шиллиқ қават билан қопланган бўлиб, кам миқдорда IgAни ишлаб чиқаради ва S IgA ҳосил қила олмайди, чунки Sc ва IgA шиллиқда алоҳида алоҳида жойлашган. S IgA

плазматик ҳужайралари ва шиллиқ қават безлари томонидан синтезланади [18; 51-53-б].

Ўрта кулоқ шиллиғи таркибида S IgA нинг камайиши патологик жараённинг фаоллашишига ёрдам беради. Шу билан бирга, S IgA ва ЎЎО клиник кечиши ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд: унинг даражаси қанчалик паст бўлса, отит ва унинг қайталаниши тез-тез содир бўлади [34; 67-71-б].

Болаларда ўткир ўрта отит касаллигининг пайдо бўлиши ва клиник кечишига ҳисобга олиш қийин бўлган кўплаб омиллар таъсир қилади [33; 4-6-б, 56; 44-б]. Шу билан бирга, бу омиллар баъзан касалликнинг ривожланишида энг муҳим ҳисобланади ва унинг кечишида ўзига хос йўналиш беради. Дарҳақиқат, бу ҳолат эрта болаликдаги ўткир отит ривожланишига кўпроқ тааллуқлидир, бу ҳатто биринчи қарашда боланинг нормал физиологик ривожланишидаги минимал оғиш ўрта кулоқдаги патологик жараённинг ривожланишига сезиларли таъсир қилади [33; 4-6-б, 64; 541-542-б].

Маълумки, ўткир йирингли ўрта отит ривожланишининг этиологиясида асосий рол микробли омил ҳисобланади. Микрофлоранинг тур таркиби жуда хилма-хилдир. Патогенларнинг частотаси касалликнинг клиник кечиш шаклига боғлиқ. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ўткир йирингли ўрта отитнинг клиник кечишида кўпинча монокултура шаклидаги аэроблар устунлик қилади ва улар орасида стафилококklar доминантлик қилади [13; 4-8-б, 71; 45-49-б].

Вируслар ЎЎО ривожланишида муҳим рол ўйнашига қарамай, асосий этиологик воситалар бактериялардир. Ўткир ўрта отитнинг ривожланишида *Streptokokkus pnevmonia*, *Hemofilis influenza* ва *moraxella catarrhalis*лар муҳим рол ўйнайди. Асосан, бу микроорганизмлар болаларнинг бурун-ҳалқумида яшайди. 6 ойгача бўлган чақалоқларнинг кўпчилигида касаллик *E. coli* ёки В гуруҳи стрептококklари томонидан келиб чиқади [13; 4-8-б, 75; 55-58-б].

Баъзи муаллифлар экмаларнинг салбий натижаларини яллиғланишнинг аллергия табиати билан изоҳлайдилар; анаэроб шароитда ўсимлик ҳосил

киладиган бактерияларни ажратиб олишга имкон берадиган микробиологик усулларнинг чекланиши билан [19; 48-49-б, 72; 36-38-б].

Ўткир ўрта отитнинг ривожланишининг инфекцион касалликлар фонида келиб чиқиши ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган, гарчи уларнинг сони болаларда ЎЎОнинг умумий статистикасида аҳамиятсиз бўлиб қолган. Болаларда ўткир ўрта отитларнинг қандли диабет ва бошқа преморбид фон натижасида ривожланиши катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ушбу касалликларнинг комбинациясининг етакчи намоён бўлиши аниқ эмас. Қандли диабет фонида ривожланган ЎЎОнинг клиник намоён бўлиши организмнинг ҳимоя кучларининг сусайиб бориши натижасида деган хулосалар кўпгина олимлар томонидан таъкидлаб ўтилган [5; 125-б, 81; 113-123-б].

Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрича, бирламчи-бу тананинг қаршилигини пасайтирадиган қандли диабет касаллиги ва бу фонда отит ривожланади. Улар қандли диабет касаллигида отитнинг иккиламчи табиати ҳақидаги фикрларини ўрта қулоққа жарроҳлик аралашувлар ҳар доим ҳам самарали эмаслиги билан тасдиқлайдилар. Кўринишидан, ҳар бир касаллик алоҳида ҳолатда отит ёки қандли диабет касаллигининг устунлиги ҳақидаги саволни ниҳоят ҳал қилиш жуда қийин. Бироқ, бизнинг фикримизча, иккала касаллик ҳам бирламчи бўлиши мумкин. Агар бу икки касалликдан бирининг ёки бошқасининг устунлигини аниқлаш баъзан қийин бўлса, унда улар ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро боғлиқлик шубҳасиздир. Уларнинг ҳар бири бошқасининг кечишини оғирлаштиради ва улар биргаликда боланинг жиддий ҳолатига олиб келади [11; 139-б, 83; 97-98-б].

Қулоқнинг ўткир яллиғланиш касалликларини даволаш муаммоси бугунги кунгача замонавий оториноларингология учун долзарб бўлиб қолмоқда. Бу, биринчи навбатда, ушбу касалликларнинг юқори тарқалиши билан боғлиқ. Шундай қилиб, аҳоли орасида ўткир отит билан касалланиш тахминан 2,5% ни ташкил қилади. Қулоқ касалликлари орасида ўткир отит менингит, мия хўппози, сигмасимон синус тромбози лабиринтити, юз нерви

парези, мастоидит, сепсис каби оғир асоратларни ривожланишида иккинчи ўринда туради [21; 15-16-б, 44; 248-249-б].

Ўткир ўрта отитни нотўғри ёки етарли даражада даволамаслик натижасида кўп ҳолларда сурункали йирингли отит ривожланади. Шунинг учун керакки, ўткир отитни етарли даражада даволаш натижаси нафақат клиник симптомларнинг йўқолиши, балки тимпанометрия ва аудиометрия билан тасдиқланган аъзонинг тўлиқ функционал тикланиши бўлиши керак. Касалликнинг қайталанишини олдини олиш учун, иложи бўлса, этиологик омилларни бартараф этиш орқали маълум бир беморда ўткир отит клиник ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқ тушуниш керак (аденоид вегетацияси, пастки бурун чиғаноқлари орқа учларининг гипертрофияси, най муртакнинг гипертрофияси) [29; 149-154-б, 89; 161-167-б].

Ҳозирги вақтда шифокорлар ўртасида ўткир отит ва бошқа яллиғланишли кулоқ касалликларини даволаш тактикаси бўйича аниқ фикр мавжуд эмас. Бу қисман яқинда пайдо бўлган янги дорилар ва даволаш усуллариининг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Шундай қилиб, агар 50 йил олдин шифокорлар фақат сульфаниламидлар ва пенициллиндан фойдаланган бўлса, ҳозирда Россияда атиги 200 га яқин антибактериал дорилар рўйхатга олинган. Ўз тажрибамиз ва адабиётимиз маълумотларига асосланиб, биз ушбу патологияни даволашда баъзи умумий ёндашувларни тақдим этишга ҳаракат қиламиз. Замонавий илм-фан ютуқларига қарамай, болаларда ЎЎО ни даволаш ва олдини олиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда[31; 26-28-б, 88; 39-б].

Айниқса, қандли диабет касаллиги ёш болаларга таъсир қилади, кўпинча оғир асоратлар ва ўлимга олиб келиши мумкин. Қандли диабет касаллиги болалар ўлими таркибида 4-ўринни, болалар соматик касалликлари таркибида 2-ўринни эгаллайди [30; 3-5-б, 93; 209-218-б]. Кўкрак ёшидаги ва эрта ёшдаги болаларда қандли диабетнинг жиддий асоратларидан бири бу ўрта кулоқнинг зарарланиши бўлиб, бу ерда асосий касалликнинг ноқулай натижасига олиб

келадиган менингоэнсефалопатик зарарланишларни ривожланиш хавфи кескин ошади. Бунга параллел равишда, қандли диабетнинг фонида ЎЎОнинг ривожланишида тез-тез асоратлари мавжуд бўлиб, бу касалликнинг клиник кўринишини сезиларли даражада ўзгартиради, асосий касалликнинг кечишини оғирлаштиради ва унинг натижасини ёмонлаштиради[30; 3-5-б, 95; 31-36-б].

Қандли диабет фонида ЎЎОнинг клиник кўринишлари, асосан бола организмнинг иммунобиологик ҳолати билан белгиланадиган натижада фарқ қилиши мумкин [32; 239-240-б, 96; 17-26-б].

Болаларда қандли диабетнинг энг жиддий асоратларидан бири бу ўткир ўрта отит ҳисобланади. Бизда мавжуд бўлган адабиётларда қандли диабетда ўткир ўрта отит асосан узоқ муддатли интенсив терапияни, баъзан дарҳол жарроҳлик аралашуви талаб қиладиган асорат сифатида тавсифланади. Уни даволаш муаммоси мураккаб ва табақалаштирилган комплекс ёндашувни талаб қилади. Замонавий муаллифларнинг фикрига кўра, қандли диабет тананинг деярли барча ҳаётий органлари ва тизимларини қамраб оладиган патологик ўзгаришлар мажмуасини келтириб чиқаради [37; 122-123-б, 97; 96-97-б]. Шу билан бирга, қандли диабетда ўткир ўрта отит касаллигини даволаш натижалари оптимистик кўринишни кўрсатмайди ва ушбу патологияни кўшимча ўрганишни талаб қилади. Ўткир ўрта отитнинг компенсацион механизмларнинг номукамаллигига, маҳаллий ва умумий иммунитетнинг етарли эмаслигига, ўрта қулоқ тузилишининг хусусиятларига, болаларнинг ўткир юқумли респиратор касалликларига мойиллиги, перинатал патология, овқатланишнинг бузилиши (гипо-паратрофия), гастроэнтерологик ва эндокрин касалликлар, гиповитаминоз, рахит, экссудатив диатез ва бошқалар ЎЎО ривожланишида муҳим рол ўйнайди[37; 122-123-б, 98; 65-73-б].

Бошқа омилларга травма, иммуноглобулин етишмовчилиги (хусусан IgA, IgG2), ОИБ -инфекцияси, шунингдек генетик мойиллик киради [59; 118-б]. Ўткир йирингли ўрта отитнинг ривожланишига туртки бўлган омилларга қуйидагилар киради: бурун ва бурун-ҳалқум патологияси, организмнинг

иммунобиологик кучларининг пасайиши, организмнинг аллергия реактивлигининг ошиши ҳамда генетик омиллар киради [63; 165-166-б, 99; 295-300-б].

Иммун тизими-бу ҳар қандай стрессли ҳолатларнинг асосий кўрсаткичларидан биридир. Патогенез динамикасида у ҳам аста-секин адаптив қайта қуришга учрайди. Нотўғри мослашиш механизмларининг барқарор устунлиги одатда турли хил иммун тизими касалликлари билан бирга келади. Шу муносабат билан иммунитетни фармакологик бошқариш, бошқариладиган адаптогенезнинг ажралмас қисмини ташкил этувчи адаптив профилактика ва терапия доирасида кўриб чиқиши мумкин. Ҳозирги вақтда иммунокоррегуляцион таъсир турли тоифадаги юзлаб дориларда аниқланган. Мия фаолиятида иммунитетга жавоб бериш механизмларининг мумкин бўлган иштироки иммуномодуляторларнинг нейротроп ва адаптив хусусиятларини амалий ўрганиш муҳимлигини ҳам белгилайди [62; 27-30-б, 100; 56-60-б].

§ 1.2. Ўтқир йирингли ўрта отит касаллигида иммун тизими ҳолати ва иммунологик ўзгаришлар

Сўнгги ўн йилликдаги назарий иммунологиянинг фундаментал ютуқлари клиник тиббиётнинг турли соҳаларида прогноз учун кенг истиқболларни очиб беради. Тимусга боғлиқ ва тимусга боғлиқ бўлмаган хужайра тизимларнинг бўлиши уларнинг ўзаро таъсирдаги функцияларини ўрганиш, иммун жавобни амалга оширишда эффектор звенони батафсил ўрганиш, лимфоцитларнинг турли субпопуляцияларини баҳолаш, хужайралараро ўзаро таъсир медиаторларининг қийматини аниқлаш имконини берди [66; 145-б, 114; 62-65-б].

Беморларда ўрта қулоқнинг сурункали яллиғланишининг иммунологик жиҳатларини ўрганиш ЎЎОнинг этиологияси, патогенези, диагностикаси ва терапиясининг бир қатор масалаларига янги нуқтаи назардан ёндашишга имкон берди [68; 29-30-б, 115; 69-72-б].

Олдинги даврдан бери антигенлик кўзгатувчиларга гуморал ва хужайра иммунитет тасаввурлари мавжуд бўлиб, улар биргаликда тананинг иммун жавобини ташкил қилади [146; 1035-1038-б].

Рус олимлари фикрига кўра, гуморал иммунитет турли синфлар (A,M,D,E,G) иммуноглобулинлар шаклида лимфоидли аъзолар иммун хужайралари томонидан синтез қилинади ва айланиб юрувчи антитаначалар томонидан тақдим этилади. Иммуноглобулинларни ишлаб чиқарадиган хужайралар антигенлик стимуляцияни олган ва плазма хужайраларига олдиндан тузилган В-лимфоцитлардир. Хужайравий иммун тизими Т-лимфоцитларнинг функцияси билан боғлиқ бўлиб, улар мақсадли хужайраларга бевосита таъсир қилувчи лимфоцитларнинг “хужайра антитаначалари” ёрдамида иммунитет реакцияларида намоён бўлади. Таъсирнинг табиати ва иммунитет реакцияларидаги тегишли ролига кўра, Т-лимфоцитлар субпопуляцияларга бўлинади: табиий киллерлар, Т-хелперлар, Т-супрессорлар ҳамда иммунологик хотира хужайраларидан иборат [69; 18-28-б, 116; 33-б].

Т-киллерлар- бу цитотоксик Т-лимфоцитлар (қотил хужайралар, лимфокинлар) асосий хужайраларнинг хужайра мембраналарини емириб уларни нобуд бўлишигача олиб келади. Т-хелперлар (ёрдамчи хужайралар) В-лимфоцитларнинг кўпайишини ва унинг антигенлик стимуляцияси пайтида дифференциациясини таъминлайди, бу эса плазма хужайралари клонининг шаклланишига олиб келади. Т-супрессорлар В-лимфоцитларнинг кўпайиши ва дифференциясига қўшилишини ва шунинг учун пролиферациясининг шаклланишига антитела ҳосил қилади. Улар, шунингдек, Т-эффекторлар (киллерлар) шаклланишига тормозловчи таъсир кўрсатади. Т-хелперлар ва Т-супрессорлар иммунитет жавобнинг регулятори сифатида ишлайди. Шундай қилиб, иммун тизими жавоби Т-хелперларни фаоллаштириш ва Т-супрессорларни бостириши мумкин. Иммун жавобни амалга оширишда муҳим рол антигенга биринчи бўлиб дуч келадиган, маълумотларни Т-лимфоцитларга қайта ишлайдиган ва узатадиган, уларни шу тарзда

фаоллаштирадиган макрофагларга тегишли бўлиб ҳисобланади [78; 191-192-б].

Охиргиси факторларни ишлаб чиқариб макрофаглар билан ўзаро таъсир килади, макрофаглар миграциясини ингибирлайди, хемотоксик омил Т ва В хужайраларининг иммун жавобига аста-секин киритилишига воситачилик килувчи бошқа лимфокинларни чиқаради[78; 191-192-б].

Шундай қилиб, иммун жавоб макрофаглар, Т ва В-лимфоцитлар, плазма хужайралари иштирок этадиган турли хужайраларнинг ўзаро таъсирининг мураккаб мажмуасидир. Шу билан бирга, ҳар бир хужайра шакли маълум рол ўйнайди [105; 31-33-б].

Сўнгги йилларда иммунитет тизимининг хужайралари нафақат иммун тизимида, балки ундан ташқарида ҳам медиатор функцияларини келтириб чиқарадиган биологик фаол молекулаларни ишлаб чиқариши аниқ бўлди. Ушбу алоқа молекулалари интерлейкинлар деб аталади. Улар орасида иммун жавобда тартибга солиш механизмларини амалга оширадиган иммун тизимининг асосий цитокинлари ИЛ - 1 ва ИЛ-2 ҳисобланади [77; 99-100-б].

ИЛ-1 фаоллаштирилган макрофаглар маҳсулоти бўлиб, хужайралар ва гуморал иммун жавобларни рағбатлантиришга қодир ва организмнинг кўплаб яллиғланиш реакцияларининг бевосита иштирокчиси ҳисобланади [77; 99-100-б].

ИЛ-2- ўсиш омили Т- хужайраларининг -антигенга хос Т хужайраларининг ўсишини қўллаб-қувватлайди, Т- хужайралари ва табиий киллер хужайраларнинг ёрдамчи фаоллигини рағбатлантиради[62;29-30б]. Амалий тиббиётда ИЛ-2 ишлаб чиқарадиган хужайраларнинг энг кўп ишлатиладиган манбалари сичқончанинг талоқ хужайралари ва инсоннинг периферик қони Кон А ва ФГАлар шпафоцитлар томонидан фаоллаштирилган бўлиб ҳисобланади[78; 191-192-б].

Чет эллик олимлар кулоқнинг иммунокоррективли аъзоси эндолимфатик қопча деб айтганлар. Шунингдек, улар гуморал иммунитет учун масъул бўлган иммуногистокимёвий усуллар билан ўрта ва ички

кулоқдаги В-лимфоцитлар билан ишлаб чиқарилган антитаначаларни, иммуноглобулинларни (IgG IgM IgA) аниқладилар. Бундан ташқари, Т-хужайралари ички ва ўрта кулоққа аниқланган, бу хужайра иммунитетининг мумкин бўлган иштирокини кўрсатади. Иммуноцитлар эндолимфатик қопчада ва ўрта кулоқнинг шиллиқ қаватида топилган, аммо бу хужайраларнинг манбалари ҳали аниқ эмас [106; 693-696-б].

Ушбу иммуноцитларни ишлаб чиқаришда ўрта кулоқнинг регионар лимфа тугунлари муҳим рол ўйнаши мумкин. Рус олимлари ички кулоқнинг иммунореактивлиги ҳам маҳаллий, ҳам умумий иммунитет билан боғлиқлигини ўрта ва ички кулоқ касалликларида тизимли таъсирларининг аҳамияти борлигини таъкидлаганлар. Шунинг учун беморларда инфекцияга қарши ҳимоя реакциясининг номукамаллиги отит касаллигининг тез-тез пайдо бўлишига ёрдам беради ва ўрта кулоқнинг инфекцияга қарши ҳимояси мукоцилиар ферментал тизимининг функцияси, ўзига хос бўлмаган иммунитетни ҳимоя қилиш омиллари билан таъминланади [101; 89-91-б].

Олимларнинг таъкидлашича йирингли отит билан касалланган беморларда, кулоғининг суюқлиги трансудат ва экссудат аралашмаси бўлиши мумкин. Унда қадаҳ хужайралари, шиллиқ безлар, эпителия хужайралари, шунингдек макрофаглар, полиморфядроли, моноклеар, плазма хужайраларининг ажралмалари мавжуд [2; 17-б].

Ўрта кулоқ антигенлик моддаларга плазма хужайралари томонидан чиқариладиган антибактериал ва вирусга қарши антителаларни ишлаб чиқариш орқали реакцияга киришади[2; 17-б].

Микроорганизмларнинг шиллиқ қаватга қўшилишига тўсқинлик қиладиган, эпителия томонидан адсорбцияланган бактериялар ва вирусларнинг кўпайишини блоклайдиган секретор IgA нинг маҳаллий синтези жуда муҳимдир. Отитда зарарланган тўқималардан ва хужайрали компонентлардан кўп миқдорда биологик фаол моддалар (гистамин, лизоцим, интерферон, турли протеазлар) чиқарилади. Антибактериал фаолликка эга ферментлардан бири бу- лизоцимдир. IgA билан ўзаро таъсирлашиб, у бошқа

шароитларга чидамли бактерияларнинг лизисини келтириб чикаради, фагоцитозни кучайтиради ва комплемент фаоллигини оширади. Ўрта кулоқда лизоцим қадаҳ хужайралари, полиморфядроли лейкоцитлар ва макрофаглар томонидан ишлаб чиқарилади [7; 3-9-б].

Ҳозирги вақтда адабиётларда нормал ва патологик шароитларда инсон танасининг табиий қаршилиги ва иммунологик реактивлиги омилларини ўрганиш бўйича кўплаб нашрлар пайдо бўлди [12; 21-23-б].

Юқорида айтиб ўтилганидек, энди тананинг реактивлигининг ҳал қилувчи аҳамияти, унинг патологик четланишлари, ўрта кулоқда сурункали яллиғланиш жараёнининг ривожланиши учун табиий қаршилик ҳолати тўғрисида умумий қабул қилинган таҳлиллар мавжуд [55; 58-59-б].

Бу ҳолда реактивлик тушунчаси- барча ўта мураккаб нейро-гуморал, нейро-эндокрин, нейро-рефлексли ўзаро таъсирларни, хужайра ҳимоясининг жуда муҳим механизмларини ва организмнинг таъсирга жавоби боғлиқ бўлган бошқа кўплаб ўзига хос бўлмаган ва ўзига хос омилларни ўз ичига олади. Шунингдек, энг муҳим компенсатор ва адаптацион жараёнлар мураккаб организмни мувозанатлаш, доимийликни сақлаш, турли хил ташқи салбий экологик таъсирларга таъсир қилиш шароитлаш учун хизмат қилади [55; 58-59-б].

Охирги пайтларда клиницистларга бемор танасининг иммунологик реактивлигини ўрганиш тўғрисида қизиқиш уйғонди. Беморларда ўрта кулоқдаги яллиғланишнинг сурункали кечиши ва қайталаниши айланма иммунокомпетент хужайралар, айниқса Т-лимфоцитларнинг чуқур миқдорий танқислигидан келиб чиқади. Орттирилган иммунитет кўпинча Т-киллерларнинг, яъни автоагрессив фаоллашиши билан бирга келади. Кўпгина олимлар Т-иммун тизимидаги Т- хужайралари ва Т-фаол лимфоцитлар абсолют сонининг ўрта кулоқдаги фаол яллиғланиш жараёнида ортиб боришини таъкидлаб ўтдилар [70; 62-67-б].

Гуморал иммунитет томонидан IgA, IgG, ва IgM даражасини ошириш ва пасайтиришнинг турли комбинациялари қайд этилган. Ўрта кулоқда фаол

яллиғланиш жараёни бўлган беморларнинг қон зардобиди IgA ва IgMнинг кўпайиши, сурункали йирингли ўрта отит билан оғриган беморларда касалликнинг ремиссияда, шунингдек, тўлиқ бўлмаган эпителизация билан умумий бўшлиқ операциясидан кейин IgA концентрациясининг пасайиши кузатилди [78; 191-192-б].

Олимларнинг такидлашича ўткир йирингли яллиғланишда IgA концентрацияси ошади ва грануляцияларда, холестеатомали ва грануляцион холестеатомалик жараёнларда камаяди. Катарал яллиғланиш жараёнидан ташқари барча жараёнларда IgM миқдори камаяди ва барча беморларда IgG кўпаяди. Муаллифлар кулоқ касалликларида иммуноглобулинларни аниқлаш дифференциал диагностик аҳамиятга эга деган хулосага келишди [73; 39-40-б].

Рус олимлари ЎЎОда қон зардобидидаги иммуноглобулинлар даражасига яллиғланиш жараёнининг фаоллик даражаси таъсир қилади, деб фикр билдирганлар [84; 47-50-б].

ЎЎО билан оғриган беморларнинг кўп қисмида фагоцитознинг пасайиши ва лизоцим таркибининг кўпайиши аниқланди. Ушбу силжишлар сурункали йирингли эпителимпанит билан оғриган беморларда касалликнинг кўзиш даврида энг кўп аниқланган [90; 60-б].

Касалликнинг яллиғланиш жараёнларини ривожлантиришда носпесифик резистентлик ва иммунологик жараёнларга катта аҳамият берилиши керак [117; 29-38-б].

Стафилококк этиологияли ЎЎОнинг ривожланишида IgG концентрациясининг пасайиши, шунингдек периферик қонда Т - ва В-лимфоцитларнинг Т-хужайралар ва Т-фаол лимфоцитларнинг умумий сонининг пасайишини кўрсатди [101; 89-91-б].

Тадқиқотчилар қайталанувчи йирингли ўрта отитда иммун тизимининг хужайравий ва гуморал тизимида ўзгаришлар бўлиши аниқланган. Бу омиллар, эҳтимол, касалликнинг такрорий ривожланишини келтириб чиқаради ва

маълум даволаш усуллариининг самарадорлигига тўсқинлик қилади [101; 89-91-б].

Россиялик олимлар 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган ЎЎО бўлган болаларда периферик қонда Т ва В-лимфоцитлар сонининг камайганлигини аниқладилар [94 21-23-б].

ЎЎО бўлган беморларда хужайра иммунитетининг баъзи кўрсаткичларини ўрганаётганда ўрта кулоқдаги фаол яллиғланиш жараёни билан Т-иммун тизимининг ҳолати Т- хужайралари ва Т-фаол лимфоцитларнинг умумий мутлақ сонининг кўпайиши билан тавсифланади. Ўрта кулоқда сурункали жараённинг ремиссия даври бўлган беморларда бу хужайралар даражасини пасайтириш тенденцияси кузатилди. Уч ҳафталик касалликдан кейин ҳам нормага етиб бормайдиган умумий ва фаол Т-лимфоцитлар сонининг камайиши кузатилди. Ушбу муаллифлар хужайрали иммун тизими параметрларининг пасайиши беморнинг иммун тизимига ўткир отит касаллигининг таъсири остида иккинчи марта содир бўлади ва хужайрали иммун тизими параметрларининг секин тикланиши ёки сурункали шаклга ўтишининг мумкин бўлган сабабидир, деган фикрни билдирдилар. Шу билан бир вақтда, ЎЎОда иммун тизимида ўзгаришлар бўлади. Шу билан бирга, ЎЎОдаги иммун тизимига оид мавжуд маълумотлар чекланган ва ушбу патологияда, айниқса болаларда тўлиқ акс эттирилмаган ва етарлича аниқ иммунологик маълумотлар берилмаган. Шунда, ЎЎОдаги иммунологик ўзгаришларнинг батафсил таҳлили янги нуқтаи назардан базис терапия учун ўзига хос асос бўлиши мумкин [80; 41-43-б].

Шундай қилиб, адабиёт маълумотлари ва клиник кузатишлар таҳлили шуни кўрсатдики, ЎЎО беморларда ЛОР касалликлари таркибида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Инсон танасининг иммунологик реактивлиги ҳолати ЎЎО шаклланиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Бироқ, бизнинг тадқиқотимизда ўрта кулоқнинг ўткир яллиғланишидан азият чекадиган бемор болалар организми иммун тизимининг ишлашининг кўплаб масалалари ҳали ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда.

§ 1.3. Ўткир йирингли ўрта отитнинг клиник кечиши, даволаш ҳамда профилактикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўткир йирингли ўрта отит инсон ҳаётини биринчи ўн йиллигида шифокор томонидан албатта назорат қилиниб турилиши керак бўлган ва энг кўп тарқалган касалликлар қаторига киритилади; ўткир ўрта отитда яллиғланиш жараёни узлуксиз 12 ҳафта давомида тўхтамай давом этса сурункали ўрта отит деб атала бошлайди ва бунинг асосий шакллари сифатида серозли ўрта отит, секреторли ўрта отит, «glue» кулоқ ва йирингли ўрта отитлар ажратилади [6; 136-139-б]. ЎЎОнинг кечиши аксарият аломатларсиз ҳам бўлиши мумкин ёки эшитувни пасайиши, дискомфорт, бош айланиши ёки мувозанатнинг бузилиши ва шу каби белгилар билан давом этади [9; 24-б]; бундан ташқари кулоқ ногора пардасини шишинқираб ўзгаришлари билан ифодаланади, касалликнинг шиддатли тус олиб авжланишига кўпинча қуйидаги бта хатарли омиллар сабаб бўладилар: 1) бола сонини кўп бўлиши (тахминан 10–20тага етиб кўпайганда хатар кучая боради); 2) кашандаликка илгари ружу қўйилганлиги; 3) кўкрак билан эмизишни етарлича бўлмаганлиги; 4) уйқучанлилик; 5) аллергиялар; 6) иммунодепрессия [26;81-84б].

Болаларда, аниқроғи кичкинтойларда ЎЎОни кўпинча клиник симптомларсиз ва билинмай кечиши кузатилади ва мазкур хасталик билан бир вақтда 30%га етиб аденоидлар аниқланади [57; 70-73-б]. Хасталикнинг қайталаниши ва кучайиши йилнинг барча фаслларида кузатилади, аммо кўпроқ касалланиш даражасининг ортишини куз ва қиш ойларига тўғри келиши (респиратор аъзолар инфекциялари пайти) тадқиқотчилар томонидан кўрсатилади [22; 21-22-б].

Олимларнинг маълумотларига кўра ЛОР касалликлари 5 ёшдан ошганларда 19%га етиб учрайди ва улар орасида 1-ўринни кулоқ хасталиклари эгаллайдики, улар кўпинча яширин кечишга мойил бўлади ва кўплаб бошқа соматик касалликларга қўшилишиб аниқланади. Айниқса, бу даврда ёшга боғлиқ ҳолда эшитувни оғирлашиб бориши (пресбиакузис) муаммо бўлиб

ҳисобланади. Таъкидланадики, ЎЎО кўпинча қишлоқ аҳолисида қайд этилади, аксарият бош мия асоратлари ривожига олиб келади, меҳнатга лаёқатлиликини йўқолишига сабаб бўлади ва бундай хаста болалар армия хизматида яроқсиз бўлиб қоладилар [67; 129-б].

Россиянинг шимолида яшовчи ўтrock аҳоли орасида ЛОР касалликлари хусусиятини 749 тадан ортиқ миҳозларда махсус ўрганиб таъкидлайдиларки, биринчидан, ЎЎО энг кўп даражаларда то 4 ёшгача (11,8%) болаларда ва ёшларда (14%) ҳамда 50–59 ёшли аҳоли орасида (22,2%) қайд қилинади; иккинчидан, беморларда асосан кулоқдан доимий ёки ўқтин–ўқтин йиринг оқиши кузатилади, кам даражада эшитувнинг пасайишига шикоятлар топилади; учинчидан, тиббий кўрувда аксарият текширилганларда сарғимтир–эпидермал тикилма, йирингли ажралма, мутлоқ ёки қисман кўламда ногора пардани йиртилганлиги (бўлмаслиги) кузатилади; тўртинчидан, 40%га етиб беморларда йиринг оқиш бир вақтнинг ўзида эшитувни пасайишига олиб келади-ю, лекин бу бирон бир субъектив симптомлар билан белги бермайди. Бурунги иқлимий–жўғрофий муҳитида ЎЎО нисбатан яхши сифатли кечиши билан характерланади; ЎЎО ерлик аҳолида 2,3% (ўша даврда бу кўрсаткич 10,7%га тенг бўлган) учрайди [75; 55-58-б].

Олимларнинг маълумотларига кўра Молдовада 9,3% ЎЎО билан хаста беморларда асоратланиб кечишлар кузатилади: йирингли менингит билан–24,2%, мия абцесси билан–14,4%, менингоэнцефалит билан–13,9%, сигмасимон синус тромбофлебити ва перисинуозли абцесс билан–15,5% ва аксарият беморлар даволанишга кечикиб ҳамда оғир ҳолатлар билан келиб тушадилар. Шундай маълумотлар ёки бунга яқин клиник кечиши билан йирингли ўрта отитларни ифодаланиши кўпинча қайд қилинган [82; 45-47-б].

Биз адабиёт маълумотларидан келиб чиқиб шунга ишонч ҳосил қилдикки, сўнгги йилларда ЎЎО кўпроқ сурункали яширин кечиши шакллари билан учрай бошлаган. Бу борада олимлар (2012) илмий манбалари ҳамда шахсий кузатувларидан хулосаланган ҳолда қуйидаги мантиқан ўринли фикрларни айтганлар: а) ЎЎОнинг клиник манзараси кўпроқ унинг этиологик

омили билан изоҳланади; б) антибиотикларни кенг ва тартибсиз қўлланилиши ҳам клиник ифодаланишларини ўзгартирган ва ЎЎО қўзғатувчилари орасида антибиотикларга резистент микроорганизмларнинг салмоғини анчагина оширган; в) стафилококклардан келиб чиқадиган ЎЎО клиникаси жараённинг яққол интоксикация ҳодисалари (ҳароратнинг кўтарилиши, гемограмма ўзгариши ва б.қ.), билан бирданига кўзиши билан тавсифланади; г) ноғора парданинг қизариши ва мўл йиринг ажралиб инфильтрацияланиши кузатилади [87; 15-18-б].

Чет эллик олимлари маълумотлари бўйича, бир қатор ривожланаётган мамлакатларда болалар ва ўсмирларда 0,4%дан 33,3%гача перфорация, 0,4%дан 6,1%гача оторея ва 0,19%дан то 0,74%гача мастоидит каби асоратлар содир бўлади. Айнан шу оқибатлар сабаб бўлиб мазкур мамлакатлар аҳолисининг 1/3 қисмида эшитувни заифлашуви муаммоси кўндаланг бўлиб қолган [111; 480-485-б]. Нигериянинг Энугу шаҳрида 2 йил давомида махсус тадқиқот ташкил қилиб ЎЎОни ўрганган. Бу касаллик энг кўп 10–20 ёшлиларда (44,6%) кузатилган ва асосан унинг икки клиник шакли–катта марказий перфорацияси билан ифодаланадиган тури ва туботимпаник тури учраган. Кариес–5,4% ва полиплар билан асоратланиб кечишлари–3,9% миждозларда тасдиқланган. ЎЎОни чақирувчилари орасида энг кўп псевдомонас аеругиноза (35,2%) учрайди, кейинги ўринларда–протеус (23,5%), колиформлар (8,7%), клебсиелла (8,1%), тилларанг стафилококк (2,9%), аралашган флора (4,8%) ва бошқа флоралар (5,5%) аниқланади [22; 21-22-б].

ЛОР клиникасида ЎЎО билан касалланган беморларнинг қулоқ йирингида ўтказилган микробиологик ўстириш натижалари қуйидагича қайд қилинган: 87,9% ҳолларда микроблар ўсиши кузатилган; беморларнинг 68,8%да аэроблар ва 31,2%да анаэроблар мавжудлиги ва 33,3% беморларда ушбу микроблар ассоциацияда (биргаликда) бўлиши кузатилган. Умуман, бу туркум текширувлар натижасига кўра ЎЎОни кечишида аэроб микроорганизмлар билан бир қаторда анаэроб микроблар ҳам муҳим

аҳамиятга эга бўлиб, улар тадқиқотчилар кузатувида 27,5% ҳолда учрайди. Демак, ЎЎОнинг сабабчилари турли хил антибиотикограммага эга бўлади ва амбулатор ёки касалхона шароитида, пенициллин гуруҳи билан ўтказиладиган муолажалар кўп ҳолларда самарасиз бўлади [104; 202-204-б].

Эфиопияда 112та мижозлардаги махсус текширувда ЎЎОни асосий этиологик омиллари сифатида, асосан, протеус (31%), стафилококк (18%), ичак таёқчаси (16%), клебсиелла (12%) ва Pseudomonasнинг ҳар хил турлари (6%) учраши тилга олинади [113; 133-137-б].

Охирги 20 йиллик маълумотлардан яна маълум бўлмоқдаки, ЛОР аъзоларини, жумладан, эшитув аъзоларини микотик табиатли хасталанишлари ҳам муҳим муаммога айланган [145; 410-421-б]. Отомикоз барча яллиғланишли кулоқ касалликларини 10дан 20%гача етиб, иссиқ иқлимли муҳитларда эса то 50%гача етиб ташкил этади. Бу ҳақдаги маълумотларни кўрсатиб, олимлар Тошкент шароитида яна тасдиқлаб берганларки, сурункали отитларни то 38,9%гача етиб Candida авлодига мансуб замбуруғлар чақирадилар [144; 23-26-б]. Лекин кўпчилик текширувларда далолатланадики, ўрта кулоқда яллиғланишни узок чўзилиб кетишига фақатгина бир патологик флораларни ўзи етарли эмас ва замонавий талқинларга кўра аксарият организмнинг табиий резистентлигининг муайян бўғинларидаги нофаоллик ёки номутаносиблик ЎЎО ривожига олиб келади. Тадқиқотчилар текшируви шаҳодатлик берадики, СЎЎОда қон зардобидида иммуноглобулинларнинг G (IgG) ва M (IgM) синфларини кескин ортиб кетиши ҳамда аксинча, IgAни эса камайиб бориши юз беради. Бу касаллик ривожига ва кечиши учун кучли патогенетик омил бўлиб аҳамият касб этади. Бундай натижаларни қатор хорижий тадқиқотчилар ҳам тасдиқлайдилар [142; 15-20-б].

ЎЎОни патогенези, кечиши, даволаш ва профилактикасида ўрта кулоқда ҳамда бутун организмда юз берадиган иммунологик ўзгаришлар кўплаб тадқиқотларнинг мавзуси бўлган; шу боис ЎЎО билан хасталанган мижозларда яллиғланиш жараёнининг фаоллик даражасига кўра ҳужайравий

ва гуморал иммунитетнинг айрим кўрсаткичлари тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилиб чиқилган [146; 1035-1038-б].

8 дан 17 ёшгача бўлган 31 нафар беморни иммунологик текширувлари хусусан, тасдиқлайдики, ЎЎОнинг қайталаниш даврида хужайравий иммунитетнинг нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлари ўртасида диссоциация кузатилади; бу хасталикнинг хуружи ва қайталаниш даврида Т ва В-лимфоцитлари мутлоқ миқдорининг ошиши, ремиссия даврида эса Т-лимфоцитлар кўрсаткичининг пасайишига мойиллиги билан тавсифланади; Т ва В-хужайраларнинг чуқур танқислиги ҳамда гипогаммаглобулинемия ҳолати ЎЎОнинг қайси даври бўлишидан қатъий назар, жуда кам ҳолларда кузатилади [140; 177-181]. Маълумотлар бўйича йирингли отитларда ўрта кулоқда лизоцим фаол тарзда ишлаб чиқарилади, уни шилликдаги миқдори қондаги даражасига қиёсланганда доимо юқори бўлади ва бу беморларда мазкур моддани инфекцияга қарши восита эканлигини исботлайди [143; 1047-1049-б].

Бундай иммунологик тизимни издан чиқиши, у ёки бу омиллар ёки даволаш усулларига боғлиқликда ўзгариб диагностик ҳамда терапевтик аҳамият касб этишлари бошқа ЛОР касалликларида ҳам қайд этилади [132; 100-104-б].

Юқоридагиларни ҳисобга олиб консерватив терапияни муқобиллаштириш мақсадга мувофиқ деб топилади [102; 73-78-б]. Умуман, кўплаб тадқиқотлар деярли бир хил натижаларни кўрсатадилар: ўткир ва сурункали йирингли ўрта отит билан хаста беморларда деярли доимо иммунитетнинг хужайравий–гуморал кўрсаткичларининг бузилишлари кузатилади ва демак, бундай хаста беморлар муайян мувофиқлаштирувчи даволаш усулларига муҳтожлик сезадилар [91; 50-51-б]. Бу каби патогенетик йўлли муолажалар, биринчидан, ЎЎОнинг оғир асоратларини эрта ташхислаш жўғрофиясини кенгайтиради ва иккинчидан, ҳозирда шифохоналарда нисбатан кўпайиб қайд қилинаётган сигмасимон синус тромбофлебити–отоген синустромбозларни даволаш самараларини оширади [86; 62-66-б].

Америкада клиник шароитда махсус иммунологик текширув ўтказилиб (20 нафар беморларда ўрта кулоқ ювилган ва ундан чиққан суюқлик иммунологик таҳлилдан ўтказилган) ўрта кулоқ қисмида маҳаллий секретор иммунитет тизими борлиги асосланади ва ундан касаллик кечишини баҳолашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб тавсия этилади [107; 354-364-б]. Худди шунга ўхшаш хулосалар ва тавсиялар Швецияда—K.Prellner et al. ва Японияда — Н.Оgawa (2012) каби бир қатор тадқиқотчилар томонидан қайд қилинган [148; 641-646-б].

Олган натижалар бўйича ЎЎОнинг турли клиник кечишида ва шаклларида иммунитет ўзгаришлари ва носпецифик ҳимоя тизимининг турли силжувлари нотекисифодаланади: а) ЎЎО ва сурункали йирингли мезотимпанитларда улар жуда кам ўзгаради; б) сурункали йирингли эптитимпанит ва отоген бош мия ичи асорати билан хаста беморларда иммунитетнинг Т-бўғими ва носпецифик ҳимоя тизимларида етишмовчилик бўлади; в) ўрта кулоқ шиллиқларида SIgA ва лизоцим миқдорлари пасайиб кетади, қон зардобиди IgM ортади, IgG камаяди; г) анаэроб инфекция ёки тилласимон стафилококклар билан чақирилган ЎЎОдан иммун етишмовчилиги энг кўп даражада ифодаланади [149; 1115-1118-б].

Катта адабиётлар шарҳидан келиб чиқиб ва шахсий клиник кузатувларга асосланиб деярли зикр этилганларга ўхшаш қонуниятларни очганлар ва бу борада фундаментал текширувларни давом этдириш ЛОР амалиётидагина эмас, балки замонавий тиббиётнинг барча бўғинларини чуқур англаб олишда муҳим салоҳиятга эга эканликларини исботлаганлар [151; 167-168-б].

Умуман, адабиётлар шарҳи кўрсатадики, ЎЎО нисбатан кенг ўрганилаётган касаллик бўлсада, унинг клиник кечишига оид қарашларда кўплаб зидли қарашлар то ҳозиргача сақланиб қолмоқда. ЎЎО кўпинча беморлардаги клиник муаммодир ва мутлоқ аниқ бўлмаган сабабларга кўра, бу касаллик ЎЎОдан фарқли ўлароқ, мазкур мижозларда аксарият ҳолларда умумий клиник аломатларсиз ўтади ва шу билан бирга эшитувни заифлашуви жуда кўп учрайди. Демак, клиник муаммолар бор экан, ЎЎОни даволашга

оид долзарб масалалар ҳам бўлишликлилари эҳтимолдан йироқ эмас деган қарорга келиб, биз илмий манбаларни бу борада ҳам ўрганишда давом этдик[152; 2729-2738-б].

Аввало таъкидлаш керак бўладики, ҳамон ЎЙЎО ривожини олдини олиш кафолатини таъминлайдиган ягона омил йўқ ёки бундай профилактика тизими оториноларингологияда яратилмаган. Бундан ташқари, бу касалликни муфассал даволаш самарасини берувчи этиотроп терапияси ҳам то бугунгача йўқ, яъни бу масалалар замонавий клиник оториноларингологияни долзарб муоммолари бўлиб ҳисобланади [25; 45-48-б].

Франциянинг Марказий шифохоналаридан бирида 88та ЎЙЎОни бошидан ўтказган беморларнинг даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиб ўрганиб чиққанлар. Қайд этилишича, ЎЙЎОни жарроҳлик йўли билан даволашда, унинг асоратсиз шаклларида то 93,4%гача ва холестеатомали ЎЙЎОда бўлса-88%гача муваффақиятга эришганлар [150; 363-369-б].

